

КЎП ТИЛЛИЛИК МУҲИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Гулниса Назарова, фалсафа доктори (Ph.D),
Марказий Осиё минтақаси тиллар маркази директори
Жон Д. Сопер, Марказий Евроосиё тадқиқотлари профессори
Ҳамилтон Лугар глобал ва халқаро тадқиқотлар мактаби
Индиана университети
Оманов Пўлатжон Хабитович,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D), доцент.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
pulatomanov@gmail.com

Аннотация: Мақолада кўп тиллилик муҳитида таълимни ташкиллаштириш, нофилологик йўналишларда кўп тилли таълимни йўлга қўйиш орқали талабаларнинг касбий ва ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Калим сўзлар: Кўп тиллилик, кўп маданиятлилик, нофилологик йўналиш, касбий лаёқат, ижтимоий-маданий компетенция, кўп тилли лисоний шахс.

Аннотация: В статье рассмотрены конкретные аспекты развития профессиональной и социокультурной компетентности студентов путем организации обучения в полиязычной среде, установления полиязычного образования по нефилологическим направлениям.

Ключевые слова: Полиязычие, мультикультурализм, нефилологическая направленность, профессиональная компетентность, социокультурная компетентность, полиязычная языковая личность.

Abstract: The article describes the specific aspects of the development of professional and socio-cultural competence of students by organizing education in a multilingual environment, and establishing multilingual education in non-philological areas.

Keywords: Multilingualism, multiculturalism, non-philological orientation, professional competence, socio-cultural competence, multilingual linguistic personality.

Бугунги кунда кўп маданиятли маконда таълим тизими олдида ахборот технологияларини ва бирдан ортиқ тилларни биладиган, касбий фаолиятида уларни эркин қўллаш оладиган, дунёқараши кенг ва маданий савияси юқори интеллектуал шахсни тайёрлаш вазифаси қўйилмоқда. Таълим жараёнини ташкил этишга қўйилаётган ушбу замонавий талаблар жамиятнинг глобаллашуви, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда юз бераётган чуқур ўзгаришлар билан изоҳланиб, таълимда асосий эътиборни талабаларни ушбу ўзгаришларга тайёр кадр қилиб этиштиришга, уларнинг ижодий ва когнитив салоҳиятини ривожлантиришга

қаратилишини тақазо этади. Бу бугунги кунда чет тилларни билиш сифатига кўйиладиган талабларни ҳам ўзгартириб, хорижий тилларни эгаллаш жараёнида ҳам касбий, ҳам ижтимоий-маданий компетентияларни ривожлантиришга талаб ва эҳтиёжларни юзага келмоқда.

Хорижий тилларни эгаллаш нафақат филологик йўналишларда, балки нофилологик йўналишларда таҳсил олаётган талабалар учун ўта муҳим аҳамият касб этиб, касбий соҳада фикр алмашиш, жаҳон ҳамжамиятида эътироф қилинган янгиликларни ўзлаштириш ва ўз соҳавий йўналишида татбиқ этиш эҳтиёжи нофилолог-талабаларда ҳам кўп тиллилик компетенциясини ривожлантиришни ўта долзарб масалага айлантди. Айни вақтда кўп тилли таълим муҳитини шакллантиришда тил соҳиблари ўртасидаги муносабатда асосий ўрин тутадиган ижтимоий-маданий жиҳатни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Буларнинг барчаси масаланинг ўта долзарблигини кўрсатади.

Бугунги кунда кўп тиллилик компетенциясини шакллантириш масаласи жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Германия, Корея, Россия каби мамлакатларда анча кенг ўрганилмоқда. Хусусан, Россия тажрибасида икки тилли таълим дастурларини амалга ошириш анъаналари чуқур сиёсий ва ижтимоий илдизларга эга бўлган жараён бўлиб, дастлабки дастурларнинг асосий мақсади бошқа мамлакатлардан келган муҳожирларга рус тилини ўргатиш, шу орқали уларнинг жамиятга осон интеграциялашувини таъминлаш, айни вақтда, кўп миллатли давлатлар ҳудудида яшовчи миллий озчиликларнинг миллий ўзига хослигини сақлаб қолиш масалаларига қаратилган эди. Вақт ўтиши билан таълим мақсадлари қайта кўриб чиқилиб, кўп тиллилик масаласи тил таълимида касбий-маданий салоҳиятнинг ривожланиш даражасини белгиловчи омил сифатида тан олина бошланди.

Қайд этиш керакки, кўп тиллиликнинг дастлабки босқичи икки тиллилик – билингвизм ҳодисасидан бошланиб, Е. В. Верешчагиннинг сўзларига кўра, билингвизм нафақат чет тилидаги матнларни тушуниш қобилиятида, балки уларни икки тилда яратиш қобилиятида ҳам намоён бўлади. Бугунги глобаллашув ва рақамлаштириш даврида икки тилли техниканинг ривожланиши жамиятда икки тиллиликни эрта ёшдан ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда. Икки тилли билингвал болаларнинг когнитив афзаллиги ҳақидаги тезис тобора кўпроқ тасдиқланмоқда. Бу икки тилли таълимни нафақат боланинг иккинчи тилни ўзлаштириши нуқтаи назаридан, балки унинг интеллектуал ривожланиши учун шароит яратиш нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш масалалари долзарб тус олмоқда. Бундай таълимий дастурларнинг яна бир асосий вазифаси икки тилли талабаларда икки маданиятли шахсини шакллантиришдир.

Бугунги кунда замонавий таълим муассасаларининг таълим дастурлари талабалар ўртасида кўп тиллиликни шакллантиришга қаратилган бўлиб, аввало, бу талабаларнинг қизиқишлари ва хоҳиш-истаклари билан, қолаверса, мақсадли таълимни амалга ошириш билан боғлиқ. Республикамизда фаолият юритаётган

нофилологик олий таълим муассасаларида асосан талабанинг она тилидан ташқари рус ва инглиз тилларидан сабоқ бериб келинади, хусусий ва кўшма университетларда эса рус ва инглиз тиллари асосий таълим тили сифатида, шу билан бирга корейс, япон, хитой тилларидан бири эса соҳавий тил сифатида ўқитилмоқда. Айнан соҳавий тил ЕМІ, яъни мутахассислик йўналиши билан боғлиқ касбий фанларни ўқитиш талабанинг касбий-соҳавий компетентлигини таъминловчи асосий восита бўлиб, мазкур ОТМларда таҳсил олувчи талабаларнинг ёзги таътилларда шу тил соҳиблари мамлакатида тажриба ўташлари ҳам тилни чуқур ва мустаҳкам эгаллашнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ўзга юртда тажриба ўташ ва таҳсил олиш шу мамлакат халқи билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг ижтимоий турмуш тарзи ва маданияти билан тўқнаш келиш ҳамдир. Айни шу ўринда талабаларнинг ижтимоий-маданай компетентлиги муҳим амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий-маданай компетентликка эга бўлишлик талабанинг турли вазиятларда мулоқот юрита олиш хусусиятида намоён бўлиб, бу унинг бегона жамиятга киришувчанлигини таъминлаб беради. Таъкидлаш жоизки, бу лаёқатга эга бўлмаган талабаларнинг тажриба ўташ жараёнлари кўп ҳолларда керакли даражада самарали бўлмайди. Шу боис таълим жараёнида талабаларда шу лаёқатларни шакллантириб бориш ниҳоятда муҳим бўлиб, бу талабаларга ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда тил таълим машғулотларида аутентик материаллар воситасида ҳаётий воқеликларни кўрсатиш, аудиторияда сунъий ҳаётий вазиятларни яратиш орқали уларда турли вазиятларда мулоқот юритиш кўникмасини шакллантириб ва ривожлантириб бориш орқали амалга оширилади.

Э.Г. Асимов ва А.Н. Щукинлар икки тилли таълим фан билимларини ўзлаштиришни ўз ичига олган таълим сифатида тушунилади, бунда икки тилдан - она тили ва она тили бўлмаган тилдан ўзаро боғлиқ ҳолда бир вақтнинг ўзида фойдаланиш, чет тилини алоқа воситаси ва таълим фаолияти воситаси сифатида ўзлаштиришга олиб келади, деган фикрни илгари сурадилар. Дарҳақиқат, ўқувчи-талаба тиллар воситасида ўзлаштириб бораётган янги тушунчалар унга болалигидан она тили воситасида сингиб борган ҳаётий тушунчалар устига қўшилиб боради ва улар ўзаро қиёсланган ҳолда талабада ижтимоий-маданай компетентлик шаклланиб боради. Чет тилларни ўрганишда маҳаллий маданиятга хос бўлган кадриятлар сингдириб борилсагина, турли тиллар ва маданиятлар вакиллари муносабатлари тўлақонли амалга ошади ва чет тилни ўрганувчи тили ўрганилаётган мамлакат маданиятига кириб боради, яъни икки тил соҳибига айланади. Натижада, она тили ва ўз маданиятидаги бирламчи олам манзараси бегона тилдаги иккиламчи олам манзараси билан қиёсланади. Чет тили ва шу тил эгаларининг маданиятини ўрганишда юзага келадиган иккиламчи олам манзараси – бу шунчаки тилда акс этувчи манзара бўлиб қолмай, балки тил орқали ифодаланувчи ва тил ёрдамида яратиладиган лисоний манзара бўлиб, ушбу

психологик омиллар иккиламчи маданий-лисоний шахс шаклланишига олиб келади.

Кўринадики, тил воситасида янги бир лисоний шахс шакллантирилади. Бунда икки тилни билувчи ва кўп тилларни билувчи лисоний шахслар дунёқарашининг кенглиги, ижтимоий-маданий савиясининг юқорилиги, умуминсоний маданий қарашлари билан бир-биридан тафовутланади.

Интеллектуал салоҳият учун фақат тилларни билишни ўзи етарли эмас, аввало, рақобатбардош кадр бўлиб етишиш касбий фанларни ҳам чуқур билиш ва, энг муҳими, айнан касбий фаолиятда чет тилларидан эркин фойдалана олиш зарур бўлади. Шу боис тилларни ўзлаштириш билан бир вақтда касбий фанларни ҳам соҳавий тил воситасида ўқитилишини йўлга қўйиш бугунги кунда кўп тилли таълим дастурларининг сифати самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кўп тиллилиқ муҳитида таълим жараёнида замонавий тенденцияларга мос келадиган ёндашувларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ҳамда шу орқали янги инновацион йўналишларни олиб кириш таълимдаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с.
2. Бадалова Л.Х. Ўлкашунослик чет тилини ўрганишда мотивацияни оширувчи восита сифатида. Чет тилларни ўқитишнинг замонавий технологиялари: конференция тўплами. – Т., 2013. – 256 б.
3. Верещагин, Е. М., Костомаров, В. Г. Лингвострановедческая теория слова / Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров. - М.: Русский язык, 1980. - 320 с.
4. Piaget J., Inhelder B. The psychology of the child / J. Piaget, B. Inhelder. - NY Basic Books, 1969. - 192 p.
5. Skutnabb-Kangas, T. Bilingualism semilingualism and school achievement / T. Skutnabb-Kangas. - Linguistische Berichte, 1976. - 379 p.
6. Wong-Fillmore, L. When learning a second language means losing the first / L. Wong-Fillmore // Early Childhood Research Quarterly. - 1991. - № 6. - PP. 323- 346.